

- ❖ Халқаро кўргазмаларда ўзбек тўқимачилик корхоналари иштирокини кенгайтириш ва маҳаллий маҳсулотларни кенг тарғиб қилиш;
- ❖ Янги бозорлар билан экспортни жадал-

лаштириш.

- ❖ Халқаро ҳамкорлар билан кўпроқ фикр алмашиш ва уларни таълим муассасаларига таклиф қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Lex.uz
2. Ўзтўқимачиликсаноат уюшма маълумотлари.
3. MEENU TEWARI "Successful Adjustment in Indian Industry: the Case of Ludhiana's Woolen Knitwear Cluster", Massachusetts Institute of Technology, Cambridge, Massachusetts, USA World Development Vol. 27, No. 9, pp. 1999, Elsevier Science Ltd. All rights reserved
4. Maeen Md. Khairul Akter, Upama Nasrin Haq, Md. Mazedul Islam, Mohammad Abbas Uddin, Textile-apparel manufacturing and material waste management in the circular economy: A conceptual model to achieve sustainable development goal (SDG) 12 for Bangladesh, 2022 year, Cleaner Environmental Systems journal homepage: www.journals.elsevier.com/cleaner-environmental-systems.
5. Филипп Эддлстон, Дэвид Мартин и Эшреф Трушин кўмаги билан Валентина Батурина, Джахонгир Муинов и Евгения Елфимова "Ўзбекистонни ЖСТ киришидан кутилаётган иқтисодий самаранинг таҳлили" Мақола USAID-BearingPoint Uzbekistan Economic Reform Project кўмаги остида Самарали иқтисодий сиёсат марказининг тегишли маърузаси асосида тайёрланган.
6. Ўзсаноаттўқимачилик маълумотлари.
7. Муаллиф ишланмаси
8. Статистик қумитаси маълумотлар.
9. Lex.uz
10. Ўзтўқимачиликсаноат уюшма маълумотлари.
11. Ўзтўқимачиликсаноат уюшма маълумотлари.

СУТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНЛАРИНИ КЛАСТЕР ТИЗИМИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Хидиров Темур Қаҳрамон Ўғли –

Тошкент давлат Иқтисодий университетининг,
1-босқич таянч докторанти

Аннотация: ушбу мақолада республикамиздаги сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантириш, кластер тизимининг иқтисодий самарадорлиги, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини амалиётга татбиқ этиш, сутни қайта ишлаш корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш ҳамда кластер тизими асосланган инновацион бошқарув жараёнини такомиллаштириш масалалари бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар. кластер, сутни қайта ишлаш, иқтисодий самарадорлик, хорижий тажриба, инновацион бошқарув.

Аннотация: В данной статье разработаны научно обоснованные рекомендации по вопросам развития молокоперерабатывающих предприятий в нашей республике на основе кластерной системы, экономической эффективности кластерной системы, внедрения опыта развитых зарубежных стран, повышения экономической эффективности молокоперерабатывающих предприятий и совершенствование инновационного процесса управления на основе кластерной системы.

Ключевые слова. Кластер, переработка молока, экономическая эффективность, зарубежный опыт, инновационный менеджмент.

Annotation: In this article, scientifically based recommendations have been developed on the issues of developing milk processing enterprises in our republic based on the cluster system, economic efficiency of the cluster system, implementing the experience of developed foreign countries, increasing the economic efficiency of milk processing enterprises, and improving the innovative management process based on the cluster system.

Keywords. Cluster, milk processing, economic efficiency, foreign experience, innovative management.

Кириш

Бугунги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, уларни сақлаш, қадоқлаш ҳамда энг муҳими қайта ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Инсоният борки, ҳар доим озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж юқори ҳисобланди. Сут ва сут маҳсулотлари бугунги кунда халқ истеъмолнинг энг асосий бирламчи маҳсулотларидан бири саналади. Ривожланган давлатларда ҳам сут маҳсулотларини қайта ишлаш, сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантириш, сутчиликка ихтисослашган сут саноати корхоналарида инновацион бошқарувга асосланган янгича ёндошувлардан самарали фойдаланиш орқали сутни қайта ишлаш корхоналарини иқтисодий самарадорни оширишга эришиб келмоқда.

Муҳтарам, Президентимиз томонидан мамлакатимизда 2030–2020 йилларга мўлжалланган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқилганлиги ҳам, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган янги имкониятлар эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармонига кўра, қуйидагилар Стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рақсонини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфрату-

зилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтиришни назарда тутувчи соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланишни назарда тутувчи табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тузилмасини реструктуризация қилиш ва янада ривожлантиришни назарда тутувчи бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш;

фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган тармоқдастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлаш;

қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган билим ва маълумотларни тарқатишнинг самарали шаклларини қўллашни назарда тутувчи илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;

қишлоқ жойларини мувозанатли ва барқарор тараққий эттиришга кўмаклашишни назарда тутувчи қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш;

замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли услубларини жорий этишни назарда тутувчи тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини яратиш [1] каби устувор масалалар келтириб ўтилган.

Бундан кўринадики, мамлакатимиздаги сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантириш корхоналардаги мавжуд технологиялар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда кластер тизими иштирокчиларини ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, иқтисодий сарадорликни янада оширишда муҳим ўрин тутади.

Сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантиришнинг яна бир жиҳати шундаки, у ўз атрофида бир нечта қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий, техник-технологик инновацион ва меҳнат ресурсларини бир жойга мужассам этган ҳолда ишлаб чиқаришни умумий самарадорлигини таъминлаш имкониятини вужудга келтиради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуасида кластерларни ташкил этиш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, кластерларни ривожлантириш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жумладан, Агро-озиқ овқат маҳсулотларини кластерлаш борасида хорижий тадқиқотчилардан бири Е.Иванова ёндошувига кўра, Россия давлати миқёсида агро-озиқ овқат маҳсулотларини кластерлаш жараёнини такомиллаштиришга эътибор қаратилган [3].

Е.Карпичевнинг илмий изланишларига кўра, кластер субъектлари ўртасида иқтисодий ва инновацион ҳамкорлик ҳамда sanoat кластерларини инновацион жиҳатлари бўйича изланишлар олиб борган [4].

П.Мухсинованинг тадқиқотларига кўра, ҳудудлардаги енгил sanoatга ихтисослашган корхоналарни кластер ёндошуви асосида ривожлантириш борасида изланишлар олиб борган [5].

Ўзбекистонда ҳам кластер тизимини ривожлантириш бўйича кўплаб аграриктисодчи олимларимиз тадқиқот ишларини

олиб борган. Жумладан, **И.С. Очилов ва Б.К. Абдумуниновлар** кластер тизимида инновацион самарадорликка эришиш масалалари ва инновацион самарадорликни ошириш чора-тадбирларига эътибор қаратишган [6].

Т.Т.Жўраев ва М.Э.Ҳамидовлар агросаноат кластерларининг иқтисодиётдаги аҳамияти, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тараққиётида агросаноат кластерларининг тутган ўрни, ўзига хос хусусиятлари ва ривожлантириш йўналишлари бўйича изланишлар олиб боришган [7].

Юқорида келтирилган хорижий ва маҳаллий аграриктисодчи олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида асосан қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш, кластер тизимининг иқтисодий ва инновацион жиҳатлари ҳамда такомиллаштириш масалалари ўрганилган бўлиб, сутни қайта ишлаш корхоналарининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда етарлича ўрганилмаган. Бизнинг тадқиқотларимизда, айнан сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида модернизациялаш, хусусан мамлакатимизда sanoatни сутчилик йўналишини кластер тизими асосида такомиллаштириш ва таҳлил қилиш асосида уни янада ривожлантириш ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг назарий асоси бўлиб, илмий билишнинг диалектик услуби ҳамда иқтисодчи олимларнинг қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуасида кластер муносабатларни ривожлантириш бўйича илмий ғоялари, назарий-амалий қарашлари хизмат қилди. Бундан ташқари, тадқиқот жараёнида мантиқий фикрлаш, статистик таҳлил, кузатув ва қиёсий таҳлил, абстракт фикрлаш ҳамда илмий умумлаштириш каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Мавжуд методологик ёндошувларга таянган ҳолда, биз мамлакатимиздаги йирик сутни қайта ишлаш корхоналарини ўрганиш асосида олиб борган таҳлил ва ҳулосалардан кенг фойдаланганмиз.

Таҳлил ва натижалар

Маълумки, Муҳтарам Президентимиз томонидан бу борада бир қатор Фармонлар

қабул қилиниб, соҳани ривожлантиришда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПФ-5708-сонли Фармонида [2] қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишда замонавий кооперация муносабатларини кенгайтириш орқали қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қўшилган қиймати занжири яратилишини рағбатлантириш;

агробизнеснинг кластер моделини кенг жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, кластерлаш жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида кластерларни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш борасида кўплаб имкониятлар яратиб берилмоқда.

Бундан кўринадики, мамлакатимизда агрокластерларни ташкил этиш, хусусан, сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд. Ундан самарали фойдаланиш ишлаб чиқарувчиларга қатор устунликлар беради. Сутни қайта ишлаш корхоналари кластер тизими асосида ривожлантирилса, сифатли рақобатдош экологик жиҳатдан тоза маҳсулотлар тайёрлаш, ташқи бозорларга чиқиш имкониятлари кенгайтириши билан биргаликда, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш туфайли ички бозорларни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга ҳар томонлама қулайликлар яратади.

Шуни таъкидлаш лозимки, сутни қайта ишлаш йўналишида фаолият юритаётган корхоналарни кластер тизими асосида ривожлантиришда бир қатор камчиликлари мавжуд, жумладан:

Сутни қайта ишлаш корхоналарида кластер тизимидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ тизим шаклланмаган. Масалан, Германия давлатида сут саноати тизими


мавжуд бўлиб, бизда эса сутни қайта ишлаш саноат даражасида ривожланиш кўрсаткичига эга эмас;

маҳсулотни саралаш, қадоқлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича агрологистика марказлари ташкил этилишига қарамасдан, сутни қайта ишлаш корхоналарида кластер тизимини ривожланмаётганлиги, фақатгина чорвачилик ва сутни соғиб олиш бўйича фермер хўжаликлари ва йирик корхонлар фаолият юритаётганлиги бу тармоғни такомиллашмаётганлигини кўрсатиб беради;

уй хўжаликлари шароитида сутни қайта ишлаш ва кластер тизимида ривожлантириш бўйича кичик корхоналарни ташкил этилмаётганлиги, фақатгина йирик корхоналар фаолияти билан чекланиб қолинганлиги натижасида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги ҳамда тармоғни монополлашувига олиб келмоқда;

сут маҳсулотлари бўйича кластер тизимида маҳсулот етиштирувчилар, қайта ишловчилар ва бошқа йирик корхоналар ўртасидаги ўзаро ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг етарли даражада мукамал эмаслиги ва уни такомиллаштириш зарурлиги ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Юқоридаги кўрсатиб ўтилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этилиши сутни қайта ишлаш корхоналаридаги иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Қуйида сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантиришнинг инновацион-иқтисодий модели келтирилган (-1расм).




1-расм. Сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантиришнинг инновацион-иқтисодий модели

Бизнинг фикримизча сутни қайта ишлаш корхоналарида кластер тизимини самарали амалга ошириш учун юқоридаги расмда ишлаб чиқилган инновацион-иқтисодий модел амалиётга жорий этилиши лозим.

Шу боисдан, сутни қайта ишлаш корхоналарида кластер фаолиятини самарали бошқариш, таркибидаги хўжалик ва тузилмалар ишини мувофиқлаштириш мақсадида қуйидаги бўлимлар бўлиши зарур деб ҳисоблаймиз, маркетинг ва маҳсулотни сотиш бўлими, реклама ва креатив лойиҳалар бўли-

ми, маҳсулотни қайта ишлаш ва сақлаш бўлими, ресурслар таъминоти ва хизмат кўрсатиш бўлими, илмий таъминот ва инновацияларни жорий этиш бўлими ҳамда молиявий ҳисоб-китоблар бўлимларини ташкил этиш лозимдир.

Қолаверса, сутни қайта ишлаш корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш учун қуйидаги расмда кўрсатиб ўтилган омиллардан самарали фойдаланиш корхоналарни иқтисодий кўрсаткичларини оширишда муҳим омиллар ҳисобланади. (1-расм).



2-расм. Сутни қайта ишлаш корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари

Бизнинг фикримизча сутни қайта ишлаш корхоналарида юқорида кўрсатиб ўтилган 4 та муҳим омиллардан самарали фойдаланиш корхоналарни иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, юқори даражада инновацион-иқтисодий самара берадиган кластер фаолиятини ташкил этиш учун унда фаолият кўрсатувчи интеллектуал салоҳиятли кадрларни танлаш ва ҳар бир лавозимга тажрибали мутахассис ходимларни тайинлаш ҳамда келгусида уларни мунтазам равишда малакасини ошириб бориш ҳам энг муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ва таклифлар

Сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантиришда қуйидаги асосий тамойилларга асосланиши керак деб ҳисоблаймиз, жумладан:

- сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантириш учун чорвачилик йўналишидан алоҳида тармоқ сифатида ажратиш;

- хорижий давлатлар тажрибасидаги инновацион янгиликларни кенг жорий қилиш орқали кластер тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш;

- кластер фаолиятида иштирок этувчи субъектлар ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштиришда барча ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш босқичларда тенг адолатли ўзаро фойдалилик тамойилларига асосланган яхлит ҳамкорлик тизимини жорий этиш;

- сутни қайта ишлаш корхоналарида иқтисодий самарадорликни оширишда юқорида кўрсатиб ўтилган омилларни амалиётга кенг татбиқ этиш;

- сутчилик уюшмасини ташкил этиш бўйича асосланган таклифларни қонун ҳужжатларига киритишдан иборатдир.

Юқорида келтирилган тавсияларни амалиётга жорий этилиши натижасида, сутни қайта ишлаш корхоналарида кластер тизимини ривожлантиришнинг янги инновацион-иқтисодий имкониятлари юзага келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5708сонли Фармони.

3. **Иванова Екатерина Викторовна** “Формирование и развитие агропродовольственных кластеров в условиях политики импортозамещения” Диссертация, Мичуринск 2018- йил.

4. Карпичев Евгений Владимирович “Механизмы управления инновационной кооперацией субъектов промышленных кластеров” Диссертация, Санкт-Петербург 2019- йил.

5. **Мухсинова Парвина Абдулкосимовна** “Развитие легкой промышленности региона на основе кластерного подхода” (на материалах Согдийской области Республики Таджикистан) Диссертация, Душанбе 2020- йил.

6. **И.С.ОЧИЛОВ, Б.К.АБДУМУМИНОВ.** Кластер тизимида инновацион самарадорлик масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил 1-бет.

7. Т.Т.Жўраев ва М.Э.Ҳамидов. Ўзбекистонда агросаноат кластерларини ривожланиши ва уларнинг қишлоқ хўжалиги тараққиётида тутган ўрни. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2019 йил 3-бет.